

Киши исломининг гўзаллиги аломатлари



16:00 / 15.06.2022 6542

Мусулмон инсон ўзига берилган умр неъмати азиз эканини, ундан унумли фойдаланиш ўзининг муқаддас бурчи эканини, охиратда унинг ҳар бир лаҳзасидан сўралиш борлигини бир зум ҳам унутмаслиги даркор.

Али ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам:

«Албатта, кишининг ўзи учун бефойда нарсаларни тарк қилиши Исломининг ҳусnidандир», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилганлар.

Ҳаётимизга диққат билан назар соладиган бўлсак, кишиларнинг кўп вақти, зеҳн-заковати, ақл-идроқи ва имкониятлари беҳуда нарсаларга сарф қилинаётганини кўрамиз. Беҳуда нарсалардан четда бўлган киши фақат фойдали иш билан машғул бўлаётганини яхши англаб етишимиз лозим. Бинобарин, бефойда ишлардан ўзимизни ҳамиша четда тутишимиз керак бўлади. Мусулмон инсондан вақти, кучи, ақли ва зеҳн-заковатини фақат фойдали нарсаларга сарфлаши талаб этилади.

Ушбу ҳадис қисқа бўлса-да, маъноси терандир. Ҳадисга риоя қилган мўмин нафсига таълим-тарбия беради. Разиллик ва иллатлардан сақланади. Дунё ишларида ўзи учун манфаатсиз, фойдасиз сўз ва амалларни тарк этиб, имонини комиллаштиради.

Киши ўзи учун муҳим ва керакли ишлар билан машғул бўлсагина, исломи гўзаллашади. Аксинча, кераксиз нарсалар билан банд бўлса, умри, ризқи ва вақтидан барака кетади. Қолаверса, соғлигига ҳам путур етади. Дарҳақиқат, баъзи инсонлар ўзларига алоқаси йўқ сўзларни гапириб юришлари ёки ўзлари учун муҳим бўлмаган саволларни кўп сўрашларига гувоҳ бўламиз. Бу уларнинг динлари сустлигидан далолат.

Шайх Абдураҳмон Саъдий раҳимаҳуллоҳ: «Ўзига кераксиз нарсаларни тарк этмаган киши динида заифдир», деган.

Имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ: «Уч нарса ақлни чархлайди: олимларнинг мажлислари, солиҳларнинг сухбатлари ва

кераксиз гапларни тарк этиш», дея таъкидлаган.

Манбалар асосида тайёрланди